

Ҳавасхон Шокирова

КЎЗИМДАГИ МАКТУБЛАР

Тошкент

«Ёзувчи» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шокирова Ҳ.

Кўзимдаги мактублар: Шеърлар. — Т.:
Ўзувчи, 1994. 32— б.

Азиз шеърхон!

Сиз тонгда йманибгина очилаётган атиргул чиройига ёки эрта кўкламда оҳиста қад ростлаётган майсанинг ҳолатига разм солганмисиз? Ушбу мўъжаз тўплам билан танишсангиз, Сизда шунга ўхшаш таассурот қолса ажаб эмас. Негаки, бу шеърый гулдаста истеъдодли ёш шоира Ҳавасхон Шокированинг ўқувчиларга илк тухфаси. Йманибгина тортиқ этилган бундай тухфа Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ўз2

**Фарғона вилояти Ижодкор Ешлар Уюшмасининг
буюртмасига мувофиқ нашр этилди.**

4702620202—27

III М/362(04)—94 қатъий буюртма — 1994 й.

ISBN 5-8255 — 0235-1

© Ҳавасхон Шокирова, 1994 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОСМОНДА УЧМОҚДА ПУШТИ ОТ—ХАЁЛ

Осмонда учмоқда пушти от — хаёл,
Бир нафас табассум чопар лабимга.
Яна мунгли ўйлар келар қадди дол,
Япроқлар тўкилар сассиз қалбимга.

Дарахтлар йиғлайди баргларин тўкиб,
Гоҳ кулиб, йиғлайман,
Сиз ҳайрон боқманг.
Дарахтлар ёлборар ёниб, тиз чўкиб:
«Япроқни супуриб, хазонни ёқманг».

ҒАНИМГА

Майда гаплар келар тиг ушлаб,
Маломатлар отилар бошга.
Тураман жим, тилимни тишлаб,
Тошлар тегиб кетар бардошга.

Келаверар ноҳақ ҳақорат,
Андишанинг отимас қўрқоқ.
Чидолмайман, қолмади тоқат,
Кўнглимда ҳеч ёришмас чироқ.

Шунда ҳам мен кулиб тураман,
Яхши сўзим тушмайди тилдан.
Сени кулгу билан ураман,
Сен-чи, қийиқ топасаң қилдан.

Қачонгача шундай яшайсан,
Қачонгача топтайсан ҳисни?
Қачон тухмат тошин ташлайсан,
Тинч қўй, кўнгли ўксук бир қизни.

АРМОН

Хогирамнинг кўзлари тийрон,
Бўғзида чинқирар ташналик.
Қўшиқ айтар тиллари бийрон,
Аргумчоқдан тушмай Болалик.

Беш томонга сочилган Тўптош
Қувноқ имлаб чорлар ўйинга,
Капалакни қувсам куларлар:
«Қизи тушгур етдинг бўйингга».

Гилдираклар ортимдан чопар,
Хумо қушин излайман ҳамон.
Ярим йўлда қотди нигоҳим,
Ярим йўлда алдандим ёмон.

Ярим йўлда қолди саволим,
Тупроқларга тўкилди талқон.
Қани менинг тиллари болим,
Болалигим қани, Онажон?

КЎЗИМДАГИ МАКТУБЛАР

Хялватда йўл пойлар Хиёнат,
Ойни олиб қочади калхат...
Кўзимда ҳеч ўқилмаган хат —
Қат — қат.

Дарахтларда яшайди Даъват,
Сабрга тиг тортдим бетоқат.
Нима қилай ахир, ўзинг айт,
Журъат.

Қалбимдаги қалдирғоч хунхор,
Хаёлимга михланган рухсор.
Юрагимга қўнақол, тулпор,
Бир бор.

Тўлғанади йўллар саргардон,
Бойўғлилар айтади азон,
Қувалайди висолни осон
Ҳижрон.

Гар оҳ тортсанг, еру кўк ларзон,
Сен телбасан, дунё,
Мен — нодон.
Бир-бировни топамиз қачон,
Жаҳон...

МУҲАББАТ — БИР ТУШ

Борлар киприк қоқар, еллар фаромуш,
Қанотида умид олиб учар қуш.
Сен мени ҳеч қачон демагин Кумуш,
Муҳаббат — бир туш.
Ҳазонлар бағрига бердим ўзимни,
Лабимга гунчалар босди юзини.
Тонг юзига тортар оқ ҳарир ҳижоб,
Кулар изтироб.
Майли, сен келмасанг,
Келмагин сира!
Фурурдан юзимга ёпаман чодра,
Гуноҳим мунчаям кўп экан,

Ҷара,
Қўлларим яра.
Қўй, мени алдама, эмасман Хилқат,
Қалбимни қучоқлар покиза нафрат.
Япроқлардан кўйлак тикар кузгина —
Маъсум қизгина.

Еллар дарахтларга урар шапалоқ,
Ишқдан сўз очади қайси бир Олчоқ.
Бир кун Қумуш сохта, сохтадир куйиш,
Муҳаббат — туш. . .

БОЛАЛИГИМ — ЭРТАК

Бир хўрсиниб қўяди зулмат,
Соғинч сўзин шипшир хотирот.
Тушга кирар «Зумрад ва Қиммат»,
Кўзи ёшли от.

Тушларимга кирар қора кўз,
Кўз ёши руҳимни қайчилар.
Қўғирчоғин қучоқлаган қиз,
Ёдга сапчилар.
Қўллари лой ўйнаётган қиз
Кечалари қаршимга келар.
Мени ташлаб кетма деб ҳаргиз,
Ортимдан еллар.

Бувим шивирлайди шикаста,
Болалигим. . .
Уй тўла эртак.
Кешжа ботир ётади хаста,
Кўзларим — кўлмак,
Болалигим. . .
Уй тўла эртак.

Хазон бўлган ўйларимни кўмдим бугув,
Орзуларнинг кўзларини юмдим бугун,
Ақллилар мазза қилиб ухлаган тун,
Бедор келган сукунатга кўндим бугун.

Сеп ҳам, чинор, исён қилсанг ярашади,
Тўкилган зар япроғинга қарашади.
Маҳзуи бўлсам тушунмасдан опаларим
«Не бўлди?» деб пиқирлашиб сўрашади.

Тушунмайди дугоналар мени сира,
Тушунмайди парвоналар мени сира,
Япроғинга кўз ёшимни тугиб қўйсам,
Тушунмайди Фарғоналар мени сира.

Меҳр нима, қаҳр нима, билганмидим,
Шоҳларингдан тортиб «сочинг» юлганмидим?
Шунча озор топдим, озор берганмидим,
Топдан меҳр тилаб, талаб қилганмидим?

Ёлғиз ўзинг мени билсанг майли эди,
Дилим — ахир қизгалдоқлар сайли эди.
Сенга ҳавас қилган ситам, аламли қиз
Ҳавасхонмас, асли исми Лайли эди.

АРМОН НИМА БИЛМАС ДАМЛАРИМ

(Қўшиқ)

Армон нима билмас дамларим,
Елғон нима билмас дамларим.
Ғамни кўзга илмас дамларим —
Она сутин тотгим келади,
Болаликка қайтгим келади.

Онажоним, аллангиз қани?
Майин, сархуш яллангиз қани?
Бешикка бир белангиз мани,
Беланчакка ётгим келади,
Болаликка қайтгим келади.

Бир зум отам бағрида бўлсам,
Ташвишлардан нарида бўлсам,
Эртақларнинг қаърида бўлсам,
Гул бағрига ботгим келади,
Болаликка қайтгим келади.

Бийрон бўлар эдим тўйгунча,
Жайрон бўлар эдим тўйгунча.
Қапи бола бўлсам бир кунча,
«Бойчечак»ни айтгим келади,
Болаликка қайтгим келади.

МАРҒИЛОНДА ТЎЙ БЎЛАДИ..

Марғилонда тўй бўлади,
Марғилонда тўй бугун,
Дилим менинг қип-қизил қон,
Дилим — ёзилмас тугун.

Хайр энди бир умрга,
Хайр энди, қаламқош.
Қўйгим, севгим, биз кетамиз,
Саҳроларга олиб бош.

Хотиротни қандай қилиб
Бўғизлаймиз, сўямиз.
Қандоқ қилиб муҳаббатнинг
Кўзларини ўямиз.

Жамалаксоч, бахти кулган
Кумуш бўлолмадим мен,
Кечангизни ўғирлаган
Бир туш бўлолмадим мен.

Юрагимга кўмдим ИШҚни
Ерим бўлмаган ёрим,
Кўзингизда турилгандим,
Кўзларингиз — Диёрим.

Қирқ кечага сизмайдиган
Дардларимга-ку ётсиз,
Ҳамма қизни ошиқ қилган,
Отабекдан зиёдсиз.

Юрак, ёмон куйдирдинг-а,
Ёмонларнинг ёмони,
Барибир ҳам қулаб тушмас
Фарғонамнинг осмони.

Хайр энди, бир умрга,
Хайр энди, бағритош,
Қўйгил, севгим, биз кетамиз,
Саҳроларга олиб бош.

Марғилонда тўй бўлади,
Марғилонда тўй бугун,
Дилим менинг — қип-қизил қон,
Дилим — ёзилмас тугун.

АҚАМГА

Ой ботади, тонг отади,
Кунлар ўтаверар жим,
Кимдир шопар, яна кимлар
Бахтин кутаверар жим.

Камолига етолмасдан,
Қайруга ботганлар ким?
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?

Бошга бало келтиргучи
Аввало тил дейдилар,
Ҳасад ўти ёнган дилпи
Қоп-қора дил дейдилар.
Худонинг энг суйган ўғли
Елғиз ўғил дейдилар,
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?

Кичиккина бу қўлларим
Ҳеч нарсага қодирмас.
Кимларгадир ҳавас бўлган
Кўзларим ҳам подирмас.
Жигарим деб куйса бағрим
Отилганча чиқар сас:
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?

Мен-ку, майли, эзилса гар
Тошлар ҳам қилар видо.
Дунё ўзи ёлғондир, эй,
Дунё хатодир, хато.
Елғизоёқ йўлдан юрдим,
Елғизнинг ёри — худо
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?

Бошнингизга ёмғир ёгса,
Осмон бўлай, акажон.
Қаттолларнинг қаҳрига ҳам
Қалқоп бўлай, акажон.

Орқангиздан йиглаб юрган
Чўлпон бўлай, акажон,
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?

Юрагим-эй, куйиб-куйиб,
Қолади бир сиқим кул,
Еввойигуллар захрига
Доим қолган атиргул.
Кун йўқ зоғларнинг дастидан,
Нолиш қилади булбул,
Йўлингизга тикан бўлиб
Санчилган ким, акажон?
Тикан бўлиб кираман деб,
Янчилган ким, акажон?

СЎНГГИ СЎЗ

Шунчалар ҳам ожизмидинг,
Оғзинг тўза талқонми?
Сўзларингни ютиб юрган
Қалбинг чуқур ўйқонми?

Майли, боргин, боравергин,
Ёр демадим, дилозор!
Ўзингга ҳеч ўхшамаган
Ёринг билан яхши бор.

Кўзингдаги сўзларингни
Айтолмасдан ўтдинг-а,
Йироқ кетган изларингдаш
Қайтолмасдан ўтдинг-а.

Тошлоқ ердан изладишми
Йигит бўлиб журъатни.

Сувга сочдим, керак эмас,
Кўзингдаги тилхатни.

Оқиб кетсин бу тилхатинг,
Оқиб кетсин олисга,
Елгонларнинг кераги йўқ,
Елгонларнинг, бу қизга.

Майли, боргин, боравергин,
Ер демадим, дилозор!
Ўзингга ҳеч ўхшамаган,
Еринг билан яхши бор...

АЙРИЛИҚДАН СЎНГ

Мажнунтол сочимни силолмас,
Харсанглар думалаб қиқирлар.
Дардимни тушунмас сўқирлар,
Армонлар йиғдайди, кулолмас.

Илтижо садақа тилолмас,
Шамоллар кетидан япроқлар
Югурар, чанқайди булоқлар,
Майса кўз ёшларин тиблмас.

Осмон ҳам хўмраяр аламдан,
Йиртилган кўйлагин тиколмас.
Қумрилар бўғзида аччиқ сас,
Тоғу тош силкинар поламдан.

Барибир беролмам мен фириб,
Қимгадир тўлайман бож—ҳирож.
Оққушлар йиқилар поилож,
Юрагим... кетмоқда оҳ... чириб.

ЎРИМ-ЎРИМ СОЧЛАРИМ. . .

Ўрим-ўрим сочларим,
Тупроқларга қоришса,
Ёрилтош каби дилни
Қайғуларим ёришса,
Пора-пора қалбимни
Қушлар дондай теришса,
Ўрим-ўрим сочимнинг
Ўлавлари етмасми,
Ториягизни бир сими
Чирт узилиб кетмасми...

Майли эди, Сиз агар
Сўп десангиз, сўнардим,
«Меп не десам барига
Кўн», десангиз, кўнардим,
Фақат ёнган юракни
Қалам билан йўнардим.
Йўнилган юрагимнинг
Ўлавлари етмасми,
Кўзларингиз ўзини
Қон-қора қон этмасми...

Сиз кетдингиз...
Хайр, хуш,
Қолинглар омон, деманг,
Кўзларингиз нега ёш,
Нимадир армон, деманг,
Сув ҳам сувга оқади,
Кўйинг, Ҳавасхон, деманг,
Сув ҳам ёшдай шўр бўлиб,
Турган жойда қотмасми,
Суйганим — қароқларнинг
Ич-ичига ботмасми...

Ўрим-ўрим сочимнинг
Ўланлари етмасми,
Торингизни бир сими,
Чирт узилиб кетмасми...

ТУН ҚЎЙНИДАП КЕЛАР ХЎРСИНИҚ...

Сонет

Тун қўйнидап келар хўрсиниқ,
Ой титрайди, куйлайди ҳазин.
Юз миғг бора оқлайди ўзип,
Унда ҳам дард, унда ҳам чандиқ.

Майли, сенда зарра гуноҳ йўқ,
Арсатиниқ қурбони бўлсам,
Ишқнинг сўнги ёлғони бўлсам,
Майли, ёниб мендан қолса чўғ.

Ой бир тилим, дил тилим-тилим,
Сўзломмайин тил тилим-тилим.
Дунё сирин билмай бош қотди.

Ғам илвди ой ўроғига.
Осмон тўлди дил сўроғига.
Биз ўйладик...

Тонг эса отди...

ВИСОЛ ҲАМ БИР НИҒОҲДИР

Висол ҳам бир ниғоҳдир,
Ҳар недан кўз оғоҳдир.
Мен ўтган кўчаларим,
Энди Сизга сўроқдир.

Фироқ аччиқ, талхмиди,
Ичган ғамга ғарқмиди.
Уни қўлга тутқизган
Тақдирмиди, чархмиди?

Орзулар яра экан,
Кўрпанга қара экан.
Суйганимнинг қошлари,
Қошимдан қора экан.

Мендан чарос кўз борми,
Мендан ширин сўз борми?
Аянгиз хўп танлаган,
Сочи сунбул қиз борми?

Топганим ҳижрон бўлди,
Сўзингиз армон бўлди.
Мени умидвор қилган
Кўзингиз ёлғон бўлди.

Висол шу бир нигоҳдир,
Сизга боқиш гуноҳдир.
Менинг ўтган йўлларим
Умрингизга сўроқдир.

МОҲИМ МЕНИНГ, МОҲИРУЙ

Моҳим менинг, моҳирўй,
Қайдасан-эй сарвбўй.
Олислаб кетар бўлсанг,
Кўзларимни боғлаб қўй.

Юзингни кўргим келди,
Сўзингга тўйгим келди.

Боқмасанг бир қайрилиб,
Кўзимни ўйгим келди.

Моҳирўй, менинг моҳим,
Зулфинг зар, ойқабогим.
Умрим сўнггига қадар
Кўзимдаги сўроғим.
Кетдинг, йўлинг пойладим,
Ойимсан деб ойладим.
Ерга сизмас дардимни
Осмонларга жойладим.

Моҳирўй, менинг моҳим,
Дунёдаги энг золим.
Ўзга гулинг олган кун,
Бўлсин қиёмат қойим.

Моҳим-эй, жон моҳирўй,
Олис кетма, сарвбўй.
Хоҳи суйгин, хоҳи сўй,
Кўзларимни боғлаб қўй...

ТУН СОАТИН ЧИҚИЛЛАТАДИ...

Тун соатин чиқиллатади,
Шамол эшик тақиллатади.
Хаёл мени лақиллатади,
Юлдузлар — сарсон.

Лабин тишлаб кулади булоқ,
Юрагимга тегма кўп тийғоқ.
Турган жойим энг чекка қирғоқ,
Кўзим — қаро қон.

Дилим, қаро қонга ишонма,
Ўтиб кетар шонга ишонма.
Бегона бир жонга ишонма,
Орзулар — армон.

Ҳеч кимсага боқмадинг, охир,
Ҳеч кимсага ёқмадинг, охир.
Ишқ болидан тотмагин — тахир,
Гуноҳкор — ҳижрон.

Тун тугунин бир ўзим ечдим,
Минг қийналиб сендин ҳам кечдим,
Бор гуноҳни симириб ичдим,
Қуз энди — найсон.

Хаёлларни ҳайдайман, тўйдим,
Муҳаббатни ёлгонга йўйдим.
Вой, тунни ҳам пичоқсиз сўйдим,
Яна бир қурбон.

Ўзга бир жон керакмас ортиқ,
Армонларим ширин бир тортиқ,
Бошингизга бўлайин ёстиқ,
Жоним Бувижон.

СОКИНЛИКНИНГ ТИГИ ҚУРБОНЛИК ИСТАР

Сокинликнинг тиги қурбонлик истар,
Дилим сокин, тилим сокин, сокин тун.
Қора кўзларини ботирар кўзга,
Кўзимда ҳеч кимса ечолмас тугун.

Қаршимга келади, совуқ нафас,
Қайноқ ҳароратим бўғизлай бошлар.

Вужудимни қулфлайди қафаси,
Эрк истаган қўлга тегади тошлар.

Сен қайдасан, тонгим, қайдасан исён,
Қайдасиз, умидим гуллаган кезлар.
Қайдасиз, мен томон боққан меҳрибон,
Билмай қафасларга ташлаган кўзлар...

БИРГА БЎЛУРМИЗ

(Қўшиқ)

Мен сояман, измингдаман, қолиб кетолмам,
Еки сени ўзим билан олиб кетолмам.
Юрагингга сўзларимни солиб кетолмам,
Хуш қол энди, ҳижронда ҳам бирга бўлурмиз.

Фироқингдан янроқлар ҳам қолади сўниб,
Кўзларингнинг айтганига кетаман кўниб.
Бир зумгина шодмон қилар нигоҳин кўниб,
Хуш қол энди, армонда ҳам бирга бўлурмиз.

Кунлар ўтар, золим кунлар аргумчоғи ҳўл,
Юрагимнинг кўлмаклари кўл бўлади, кўл.
Ҳеч нарсани тушунмаган гул экансан, гул,
Хуш қол энди, майдонда ҳам бирга бўлурмиз.

Рақибларим даврасидан қочиб чиқдим-а,
Нигоҳимни йўллариингга сочиб чиқдим-а.
Ёлғизликнинг эшикларин очиб чиқдим-а,
Хуш қол энди, бўронда ҳам бирга бўлурмиз.

Йўллариингда кезиб юрган сەҳрли сасман,
Сатрлари маҳзун деманг, йиғлоқимасман.
Мен — орзуман, мен — умидман сўлмас ҳавасман.
Хуш қол, мангу осмонда ҳам бирга бўлурмиз.

«Севгимсану ёнипгга боролмайман».

М. Юсуф.

Севгимсану ёнипгга боролмайман,
Кўзларингга тўйгунча қаролмайман.
Энди сира корингга яролмайман,
Боролмайман, қаролмайман, яролмайман.

Сенга етар йўллар узоқ, йўллар узоқ,
Етмасин деб менга қўйганлар тузоқ.
Кўзларимдан қайпаб чиқади булоқ,
Йўллар узоқ, йўллар тузоқ, кўзлар—булоқ.

Қуёш чиқар, қуёш ботар Марғилонда,
Аҳддилар кўп, Бахтлилар кўп у томонда.
Бутун умрим энди ўтарми армонда
Қуёш чиқар Марғилонда, мен—армонда.

Дардларимни ҳеч кимсага ёролмайман,
«Нега мени севмадинг» деб сўролмайман.
Севгимсану ёнипгга боролмайман,
Ёролмайман; сўролмайман, боролмайман.

УМР ДЕГАНЛАРИ БУ

(Кўшиқ)

Умр нима, эй одам, умр — оқар сув,
Умр нима, бевафо, ёлгончи бир қув.
Таянчинг йўқ бўлса, яхши дўст-орзу
Умид тарк этмасин бу йўлда сени.

Ер айланар чапшаси бугун ўзгача,
Кўролмаслар тугун ўзгача.
Муҳаббат юртида жунун ўзгача,
Умид тарк этмасин бу йўлда сени.

Зўрлик эгар, зар эгар бор журъатни ҳам,
Кўнгил мулки, покиза садоқатни ҳам,
Боши эгик, кўзи ёш муҳаббатни ҳам,
Умид тарк этмасин бу йўлда сени.

Дунёда бахт кимларга арзон келибди,
Зарсиз ҳатто кимларга айрон келибди:
Ожизларга қачонлар қалқон келибди?
Умид тарк этмасин бу йўлда сени.

КЎНГЛИМ

Катта кўзи киртайган кўнглим,
Кичиккина кемтилган кўнглим.
Кенгликларга кетайлик бирга,
Сокингина сукутга кўндим.

Қўшиқларга айланиб кетгин,
Кўз ёшингни оқизма ортиқ.
Ғамни меҳмон қилдим кўзимда,
Кўзларимда қолдирди чандиқ.

Катта кўзи киртайган кўнглим,
Мен сени қайларга сиздирай.
Ҳавас қилма капалакка ҳам,
Қолипларни қандай сиздирай.

Кичиккина кемтилган кўнглим,
Қўшиқ бўлиб яшагин, қўшиқ.

Елғиз ўзинг аллала мени,
Меҳр олис, ухляябди ишқ.

У йигитми, керакмас сенга,
Ўта мағрур, йўллари бўлак.
Билсанг бағри бутун йигитга
Кўнгли бутун, бахтли қиз керак.

Катта кўзи киртайган кўнглим,
Кичиккина кемтилган кўнглим.
Кенгликларга кетамиз бирга,
Сокингина сукутга кўндим...

СИҒМАДИНГ КЎЗИМГА, КЎЗЛАРИМ—КАТТА

Сиғмадинг кўзимга, кўзларим — катта,
Ўзим кичгинаман, изларим катта.
Сенга айтолмаган сўзларим катта,
Юрагим ёр бўлди, ёр бўлмадинг сен.
Ағёрларим кулди қийқириб, хандон,
Кўнглим — майсалари юлинган майдон.
Менинг юрган йўлим торгина зиндон.
Юрагим ёр бўлди, ёр бўлмадинг сен.
Меҳримнинг борини сенга юбордим,
Дилимнинг зорини сенга юбордим.
Сочимнинг қорини сенга юбордим.
Юрагим дор бўлди, ёр бўлмадинг сен.
Чанг торлари сирқирайди сендан безиб,
Не—не нигоҳ келди менга гул узиб.
Воҳ, қон дилим кетдинг тўзиб-а тўзиб,
Юрагим зор бўлди, ёр бўлмадинг сен.
Қаҳрли бўлмоққа кўзим яролмас,
Чангим тори узоқ, қуйлар чалоолмас.
Бевафо муҳаббат бизга қаролмас,
Юрагим ёр бўлди, ёр бўлмадинг сен.

УВАЙСИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Юзингдаш ёғилур ёдду, кўзинг-жоду равшан нозик,
Табассуминг жонима оташ ёқадуру гулхан нозик.
Кўнгулум олдинг, сенингдек йўқ, эй золими рахшон нозик,
Мени расво қилан, кимдурки бир сийми бадан
нозик.

Солан бошимга савдо кимдур ул гул пирохан нозик.

Мени афсуу ила банд айламин ул Ёсуман сеҳри,
Қош учириб, қовоқ уйса, бошта тош ёғдурур қаҳри.
Ишқ аро девоналаг қилди моҳитобоним даҳри,
Хаёли кирса кўнгулма чиқар дунёу дун меҳри,
Қилибдур оқибат, эй дўстлар, ҳам беватан нозик.

Менда неки бўлса бариш, барини сенга ютқаздим,
Шодумонликдан асар йўқ чоҳрам сориг куйдим, оздим.
Фироқингда пешонамга печа алам ситам ёздим.
Ки сабрим тирноғида ҳар кун юз кўҳи ғам қоздим,
Мени олдимдадур Фарҳод ожиз, кўхкан нозик.

Мен висолдин гар сўз очсам сўзларни сўзлайсан
тузлик,
Гуллар билан баҳс бойлашган гулим мунча қалбинг
нозик.
Гуллар аро бир сенга, гул, ҳеч ёқмадим таъбинг нозик.
Қадинг нозик, қонинг нозик, кўзуиңг нозик, лабинг
нозик,
Тилиңг нозик, сўзуиңг нозик, тишиңг дурру адан нозик.

Дилингда етқизай дардим, куйим куйлаб фиғон бирла,
Ташламағил телба кўнгулмин ёр, ёлғиз армон
бирла,

Жон керакму сепга, жоним, йўлингви ювай қон бирла,
Ики наргис, ики кўнгул, ики тан, ики жон бирла,
Бирин-бирин ҳамал айлаб қилоди ашжуман позик.

Эй, Ҳавас, қўй, ёрга етмас, ҳеч туганмас афғонингни,
Оромини бузма асти, узокроқ тут маконингни,
Сендин қутулиб суюнган, ул дуо қилсин жонингни,
Увайсий ўз-ўзингча сўзлама, тийғил забонингни,
Мабодо келмасун позик дилига сўзлаган поэтик.

БОБУР ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кутмагил ҳеч пододдин, дўсти гумондин яхшилиғ,
Надоматдин қон бўлиб тўлган наймондин яхшилиғ,
Жоҳилу, бағри бутун, дили ёмондин яхшилиғ,
Ким кўрубтур, эй кўнғил, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Кўзингдаги топларингни отиб келма, эй рафиқ,
Тилинг ўзга, дилинг ўзга, бағрим тилма, эй рафиқ;
Юрагим қон, менгинага осон билма, эй рафиқ,
Бу замонни нафъй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Ишқим оҳга тўлиб борар, тўлар тутун кўнғлума,
Асти ёруғлиқ кўрмади менинг тутқун кўнғлума,
Бир кун кенгликларга кетар менинг дилхун кўнғлума,
Дилраболардан ёмонлик келди маҳзун кўнғлума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Жаҳон нотипч дерларми, асли жаҳонда уйқу кўп,
Аҳли жаҳоннинг туганмас дардлари кўп, қайғу кўп,
Ҳар кўнгулнинг тори ўзга, куйлари кўп, чолеу кўп,
Эй кўнгул, чун яхшидир кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Худойим, оҳларимни тингловчи тундин яхши йўқ,
Дард берувчи қаттол десанг, бераҳм кундин яхши йўқ.
Ҳаммасига огоҳ ўлган—тангрим, удин яхши йўқ,
Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.

Ҳавасхоно, бўлмаким сен жоҳилу Жобир киби,
Дардларинг дарёсида оқ, покиза Тоҳир киби,
Сўзларингни қон йиғлатиб қистама Бобур киби,
Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг.

• • •

Ё жоним муҳаббат, сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам, юрагим тинсин.

Абдували Қутбиддин.

Дарё-дарё жола келар, жола келар,
Юрагимнинг қаъридан-эй нола келар.
Қайда бўлсанг қўшиқларим ола келар,
Ё жоним муҳаббат...:

Кўҳиқофни кипригимда тешар бўлдим,
Жумбоқларни ёлғиз ўзим ечар бўлдим.
Ақллилик балосидаң қочар бўлдим,
Ё жоним муҳаббат ...:

Кўриб туриб чидадим-а, ёлғонлар бор,
Тикан каби кўзлари хўп ёмонлар бор,
Қайга кетдик, ортимизда армонлар бор,
Ё жоним муҳаббат...:

Мени ўйлаб сиқилмас, беғам мардим,
Ўз аҳдидан, ўз бахтидан ширин мастим:
Ёш жонимга бутун умр қилган қасдим —
Ё жоним муҳаббат..:

Оловларга отгин мени, ёниб кетай,
Чирсилласин юраккинам, қониб кетай,
Алдамайман деганлардан тониб кетай,
Ё ЖОНИМ МУҲАББАТ!

МАЖНУНТОЛ

Мени паноҳингга олгин, мажнунтол,
Юрагим ёлғизлик кўчаларида,
Тушларим армоннинг кечаларида,
У эса.: у эса юрар бемалол.

Ўша елкаларга ботар нигоҳим,
Бепарво кетади орқа ўгириб.
Хотирамдан номин бўлмас ўчириб,
Не эди, не эди менинг гуноҳим.

Мени паноҳингга олгин, мажнунтол,
Ҳиссиз, муҳаббатсиз дунёдан тўйдим,
Йўғ-е, мен ножўя гапириб қўйдим,
Мени бир япроққа айлантира қол.

Не-не елкаларга ботмас нигоҳим,
Фарёд чекди унсиз, жимгина йўлсиз,
Илтижолар яшар қалбимда тилсиз,
Сира ҳам кирмасин тилга, илоҳим.

Мени паноҳингга олгин, мажнунтол,
Баҳорни чеккамга таққин, кетсин қуз.

Папоҳинга йиғлаб келди хунук қиз,
Мени бир япроққа айлантира қол.

Кузакнинг шамоли эсар бетиним,
Япроқлар саргайиб йўлга тушибди.
Менинг ишқим, менинг пинҳона ишқим,
Айланиб тошбағир қўлга тушибди.

Йиғлама, юрагим, бўзлама, кўнгил,
Кетамиз бошимиз оққан томонга.
Фироқни итқитиб этамиз чил-чил,
Доғда қолдирайлик кулиб ҳижронга.

Кетамиз, хаёлим, орқага қайтма,
Бурканиб оламиз олтин хазонга.
Ҳеч кимга сирингни, розингни айтма,
Ҳаммасин айтамиз бориб армонга.

Кузакнинг шамоли эсар бетиним,
Япроқлар саргайиб йўлга тушибди.
Менинг ишқим, менинг девона ишқим,
Айланиб тошбағир қўлга тушибди.

АРМОН

Бонларга намозлар сазини тунди,
Тоғларнинг ортига беркинди қуёш.
Сукунат. Лекин бир хаёлларгина
Изиллаб ҳар ёнга югурар бебош.

Хорғин ўтираман суна четига,
Япроқлар шивирлаб куйлашар лени,
Кўзларимга армон чўкиб боради:
«Бормадим, кўрмадим, бугун ҳам сени...»¹

* * *

Юлдуздан ҳам йироқ олис бахт,
Қачон сенга старкин қўлим.
Энди сени топдим деганда,
Тиканакка тўлди ўнг-сўлим.

Юлдуздан ҳам йироқ олис бахт,
Бўйим калта, калтадир қўлим,
Бу дунёйим ёлғонга тўлди,
Ҳаётга бир, бир қадам ўлим.

ШЕЪРИМ

Шеърим —
Менинг қаҳрим қамчиси
Шеърим — менинг кўзим томчиси,
Дилим, дилимнинг куйламчиси,
Тор бўлиб бағримни тиларим.

¹ Усмон Носирдан.

Бир кун тушунади ғамни ҳам,
Бир кун тушунади жоним ҳам,
Кўзга тўлган қаро қоним ҳам,
Бир кунда минг бора сўларим.

Ҳар қадамингда кўрдинг алдоқ,
Йиғладинг узилса япроқ,
Ҳар қадаминг — лолақизғалдоқ,
Бир кунда минг бора ўларим.

Вафо ўзинг, жафо ўзингсан,
Наво ўзинг, сафо ўзингсан.
Кўнглим кийган қабо ўзингсан,
Сабр коса бўлиб тўларим.

Элим, чарчоқ бўлди топганинг,
Тилим, қармоқ бўлди топганинг.
Дилим, қийноқ бўлди топганинг,
Элим дебон ҳар кун ўларим

Қаҳриқаттиқ, феъли тўнглигим,
Андишали, йўли ўнглигим,
Кўзи шодмон, кўнгли мунглигим,
Йиғлаб туриб, ночор куларим.

Ўт-ўланга ишқ озори бор,
Юрагимда ишқ мозори бор.
Гуноҳларим кўш, ёзори бор,
Қайғурма деб бошим силарим,

Шеърим — мени ёлғиз биларим.

СИНГИЛ БЎЛАЙ.:

Куз..:

Япроқлар ғасли бу

Куз...

Армонлар ва қайғу.

Тунда билмасам уйқу,

Сингил бўлиб тутинай.

Қайга кетдинг-а, севгим,

Бағримни тилдим-тилдим,

Ўзим қўрқоқлик қилдим,

Сингил бўлиб тутинай.

Висолга тўймадик биз,

Келишиб қўймадик биз.

Фурурни сўймадик биз,

Сингил бўлиб тутинай.

Кўзингиз дер: «Қалайсиз?

Қушдай ҳуркак, халаксиз.

Мунча ширин малаксиз»,

Сингил бўлиб тутинай.

Киролмадим боғизга,

Ғаним бор қулоғизга,

Кетолмам, энди сизга.

Сингил бўлиб тутинай.

Севгим — менинг ёлғизим,

Учган тилла қўнғизим.

Сенга бир айтар сўзим,

Сингил бўлиб тутинай.

* * *

Куз...

Хазондан тўшалган тилам,
Йўлақда хазонлар янчилар.
Бу дунёда фақат тош беғам,
Япроқлар қалбимга санчилар.

Айт, не дейсан эй маҳзун кўнгил,
Мунча маънос боқасан, юрак.
Мен хафахон ўтган йўлларим
Мендан кейин йиғласа керак...

* * *

Пахтазор...

Букилиб майинди белим,
Уй сувиришга ҳам ҳеч қўймайди чапоқ.
Опиоқ пахталардан тирналган қўлим,
Сенинг сочларинга етмайди бироқ.

Пахтазор...

Хув ана қизлар галаси,
Бор ўйинни териб этакка солдим.
Уйда қолган эди шеърим чаласи,
Уф, яна кимлардан орқада қолдим.

Пахтазор...

Ҳеч мени кўнгил тинч қўймас,
Исингни ёдимга санчади бот-бот.
Ўз ҳолимга қўймас, исенга тўймас,
Шунчалар мағрурки дийдаси тош зот.

Пахтазор...

Қўлларим эгилар қақшаб,
Ўй суришга ҳам ҳеч қўймайди чапоқ.
Не қиламан сени ўйламай яшаб,
Қўлларим сочингга етмайди бироқ.

МУИДАРИЖА

Осмонда учмоқда пушти от — ҳайл	3
Ғанимга	3
Армон	4
Қўзимдаги мактублар	4
Муҳаббат бир туш	5
Болалигим — эртак	6
«Ҳазон бўлган ўйларимни...»	7
Армон нима билмас дамларим	7
Марғилонда тўй бўлади	8
Акамга	9
Сўнги сўз	11
Айрилиқдан сўнг	12
Ўрим-ўрим сочларим	13
Тун қўйнидан келар хўрсиниқ	14
Висол ҳам бир нигоҳдир	14
Моҳим менинг, Моҳирўй	15
Тун соатин чиқишатади	16
Сокинаникнинг тиги қурбонлик шетар	17
Бирга бўлурмиз	18
«Севгимсану...»	19
Умр дегандар бу	19
Қўнглим	20
Сирмадинг кўзимга, кўзларим—катта	21
Увайсий газалига мухаммас	22
Бобур газалига мухаммас	23
«Дарё-дарё жола келар...»	24
Мажнунтол	25
«Кузакнинг шамоли...»	26
Армон	27
«Юлдуздан ҳам йироқ...»	27
Шеърим	27
Сингил бўлай	29
«Куз...»	30
«Пахтазор...»	30

Адабий-бадиий нашр

Ҳавасхон Шокирова

КУЗИМДАГИ МАКТУБЛАР

Шеърлар

Мусаввир Ю. Габзалилов
Муҳаррир Ф. Камолова. Расмлар муҳаррири А. Мамажанов
Техн. муҳаррир У. Ким.

ИБ № 233

Босмахонага берилди 5.08.94 Босишга рухсат этилди 21.10.94.
Ўлчами 70×90^{1/32}. Ҳўзнама қоғози. Оддий янги гарнитура.
Юқори босма. Шартли б. табоғи 1,17. Шартли ранг-оттиск.
1,32. Нашр табоғи 1,16 Жаъми 5000 нусха. Буюртма 513.
Шартнома 60—93. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент
китоб—журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод
даҳаси, Муuroдов кўчаси, 1.